



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
BANDLIK VA MEHNAT MUNOSABATLARI VAZIRLIGI

BUYRUQ

“11” ноябрь 2020 yil

№ 218-ИЧ

Toshkent shahri

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2020 йил 12 октябрдаги
12/1-2240-сон топшириғи ижросини
таъминлаш, Вазирлик тизимдаги
жамғармалардан ҳудудий бўлинмаларга
ажратилган маблағларнинг мақсадли
сарфланишини текшириш тизимини
такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза
қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш
тартибини белгилаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 12 октябрдаги 12/1-2240-сон топшириғи ижросини таъминлаш, “Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси”, “Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси” ва “Жамоат ишлари жамғармаси”дан ҳудудий бўлинмаларга ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан ички молиявий назорат олиб бориш тартибини такомиллаштириш, қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишнинг назорат қилинишини таъминлаш, соҳадаги аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш, вазирлик ва унинг қуйи органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирлари ҳужжатларини расмийлаштириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим қилиш тартибини белгилаш мақсадида,

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг давлат хизматида коррупцияга қарши курашиш чоралари самарадорлигини ошириш юзасидан 2020 йил 10 октябрдаги 02-2868-сон топшириғи маълумот ва сўзсиз ижро учун қабул қилинсин.

2. “Комплаенс назорат” шўъбаси (А.Абдукаримов), Юридик бўлим (М.Азизова), Кадрлар бошқармаси (А.Эгамов):

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2020 йил 10 октябрдаги 02-2868-сон топшириғида белгиланган вазифа ҳамда чора-

тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ ҳажмда бажариш юзасидан зарур чоралар кўрилишини;

2020 йил 1 декабрга қадар Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан илғор хорижий тажрибани пухта ўрганган ҳолда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган фуқароларнинг ҳимоя қилинишини кафолатлаш, шу жумладан унинг сир сақланиши юзасидан “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи таклифлар ишлаб чиқилишида иштирок этилишини;

2021 йил 1 февралга қадар Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан давлат хизматчилари учун чекловларнинг аниқ рўйхатини белгилашни назарда тутувчи **Давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ кодекси** лойиҳасини ишлаб чиқишда иштирок этилишини таъминласин.

3. Меҳнат стандартлари ва меҳнатга ҳақ тўлаш бошқармаси (А.Навотний), Кадрлар бошқармаси (А.Эгамов), **Давлат хизматини ривожлантириш агентлигига “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Қонун лойиҳасини** халқаро экспертлар ва кенг жамоатчиликни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқиш ишларини қисқа муддатларда якунлаш ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритишда яқиндан кўмаклашсин.

4. Вазирлик тизимдаги жамғармалардан ҳудудий бўлинмаларга ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан ички молиявий назорат олиб бориш тартибини такомиллаштириш, қонун ҳужжатлари талабларига риоя этишнинг назорат қилинишини таъминлаш, соҳадаги аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш, вазирлик ва унинг қуйи органлари томонидан ўтказилган назорат тадбирлари ҳужжатларини расмийлаштириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим қилиш тартибини белгилаш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги тизимдаги “Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси”, “Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси” ва “Жамоат ишлари жамғармаси”дан ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши устидан ички молиявий назорат олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

5. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

Н.Хусанов

